# Гўзаллик ва нафосат айёмингиз муборак бўлсин, мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар!


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan | www.huquq-gazeta.uz | 2009-yil 5-mart, № 10 (635)


**Қишнинг қаҳратонига дош бериб, мудроқ уйқуга кетган она-замин қайта жонланиб, ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор ташриф буюрди. Серқуёш диёримизга истиқлолнинг порлоқ кунларини ваъда этиб, она-заминимизни яшил майсаларга, ранго-ранг чечакларга буркаб, ниҳолларга гул-исирға тақиб келди у. Бодом қийғос гулга кирган, бойчечак бўй кўрсатганига эса анча бўлди. Юртимизда яна баҳор нафаси уфурмоқда.**




# Мукаммаллик тимсоли

Баҳорнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан биргаликда ташриф буюришида ўзгача ҳикмат, катта рамзий маъно бор, назаримда. Зеро, баҳорнинг илк кунларидан олам яшариб, гўзалликка буркана бошлайди, гуллар очилиб, бутун борлиқ чирой очади. Олам мунавварлиги, дунёнинг шодлиги эса аёл билан мукаммалдир.

Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида 1910 йилда бўлиб ўтган хотин-қизларнинг иккинчи халқаро конференциясида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни деб белгиланган эди. Шундан буён орадан бир кам юз йил ўтибди. Айтиш жоиз бўлса, 8 март нафақат оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг, балки ҳаммамизнинг байрамимиздир. Чунки гўзал аёллар, мунис онахону муҳтарама опа-сингилларимиз, чиройли қизларимиз ҳам бамисоли баҳор чечакларидек ҳаётимизни безайди.

Аёл — сеҳрли хилқат. Бармоқларини шундай югуртирса, кераксиз қийқимлар чаман шакли туширилган ёстиққа ёки кўрпачага айланади. Уйга бир кириб чиқса пардаларга-ю деворларга, жавонларга-ю меҳробларга баҳор юққандай, изларида ифор уфургандай бўлади. Аёли бор уйнинг дастурхони камбағал бўлсаям, мазаси тотли.

«Олой маликаси» деб эъзоз этилган, «генерал» унвонига сазовор бўлган Қурбонжон додҳонинг ўғлини осиб ўлдиришга ҳукм этдилар. Дор қурилган, оломон йиғилган, ҳамманинг ҳолатида мувозанат йўқ, додҳонинг ҳоли энди не кечади, деган ўй. Шу пайт узоқдан чанг кўтарилиб, бир отлиқ учиб кела бошлайди — Қурбонжон момо! У нафаси ичига тушган оломонни ёриб ўтиб, тўғри дор остига келади ва боласига юзланиб: «Ўғлим, шаҳид кетиш бизга меросдир!» дейди ва шартта жиловни тортиб, отнинг бошини орқага буради-да, қандай келган бўлса шундай майдондан чиқиб кетади.

Ё, Раб! Уни недан яратдинг? Бу кичкина жон шу қадар оғир юкни қандай кўтарди? Аёл зотини кўраяпсизми? Дор остидаги боласининг кўзига қараб туриб, розилик беролган аёл бу! Жовдираб турган фарзандига орқа ўгириб кетолган, юрагида фарёд портласа ҳам кўзига чиқармасликни эплаган аёл бу! Кўли жиловни қўйиб юбормаган, дўст-душманнинг олдида отдан йиқилиб тушмасликни уддалаган аёл бу! Ватанига, халқига бўлган муҳаббат ундаган уни бу жасоратга!

Бу ирода, бундай орият, бундай шижоатни унга Аллоҳ берган. У Аллоҳ яратган азиз хилқат Ҳазрати Аёлдир.

**(Давоми 4-бетда).**

**БОШ ПРОКУРАТУРАДА**

# ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Кеча Бош прокуратурада бир кунлик ўқув семинар бўлиб ўтди. Семинар жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироз оқибатларининг олдини олишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга бағишланди. Унда Бош прокуратуранинг тегишли бошқарма ва бўлим прокурорлари, Олий ўқув курслари тингловчилари, вилоят прокуратуралари бўлим бошлиқлари ва бошқа мутасадди вазирликлар мутахассислари қатнашишди. Семинарга Бош прокурор ўринбосари Н.Йўлдошев раислик қилди.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, улардан ортиқча ҳисоботлар талаб қилиш, тамагирлик ва тадбиркорлик фаолиятига сунъий тўсқинликлар кўрсатиш ҳолатлари аниқланиб, қатъий чоралар кўрилган. Маълумот ўрнида айтадиган бўлсак, биргина 2008 йилда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органларининг 390 та қарорига протест келтирилиб, бекор қилинди. Судларга 579 та аризалар киритилиб, 4,1 млрд. сўм зарар ундириб берилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 53 та жиноят иши қўзғатилди.

2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Президент Ислом Каримов «...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул восита» эканлигини таъкидлаганди.

Шу боис, ҳукумат қарори билан Бош прокуратура олдига Адлия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимият, назорат ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик, айниқса кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари таъминланиши устидан қаттиқ назорат олиб бориш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ҳар қандай бюрократик тўсиқлар ва сансоларликлар, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳамда бошқа қонунбузилишларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитлар батафсил муҳокама этилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Бош прокурор томонидан тасдиқланган тадбирлар режасини сифатли бажариш йўналишлари ва вазифалари белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

**РЕПОРТАЖ**

# ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Охунбобоев туманининг Марказий маданият уйи олдидаги хиёбонда ҳунарманд ва косиблар, тадбиркорлар, катта-кичик корхоналар учун кўргазма ташкил қилинди. Кўргазмада билим юртларини битирган ёшлар, вақтинча бекор қолган турли ёшдаги кишилар иштирок этишди. Эътиборли томони шундаки, бу ерга келган кўплаб ёшлар намойиш этилаётган турли хил ҳунармандчилик намуналаридан баҳраманд бўлишиб, корхона ва ҳунармандлар ишига қизиқиб қолишди.

Қиштмонлик тадбиркор Рўзиматжон Қодировнинг кўргазмага қўйилган сўри, стол, курсилари, ром ва эшиклари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Ҳозирда тадбиркорнинг қўлида уч нафар уста бўлиб, ишни кенгайтириш, яна шогирдлар олиш ниятида ярмаркада қатнашаётган экан.

Тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Исмоилжон гиламлари» хусусий корхонасида эса салкам юз нафар ходим меҳнат қилишяпти. 56 нафар касаначилар буюртмаларини уйларида тайёрлаб беришяпти. Корхона фаолият доирасини кенгайтириб, Марғилон шаҳрида ҳам «Шоҳона гилам» фирмасини очди.

— Маҳсулотларимизни чет элга, асосан Туркияга экспорт қиляпмиз, — деди корхона раҳбари Иброҳимжон Султонов. —Фаолиятимизни кенгайтиришга туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳар томонлама ёрдам бераяпти.

Туман прокуратураси туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган ушбу ярмаркада 46 та ташкилот ва корхоналар, 60 га яқин тадбиркор ва ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди ҳамда янги иш ўринларини таклиф қилишди. 145 нафар иш излаётган фуқаролар ва коллежларнинг битирувчилари ишга йўлланма олишди. 375 кишига маслаҳатлар берилди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

**СЕМИНАР**

# Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментида «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилган вазифалар» мавзуси юзасидан манфаатдор идоралар раҳбарлари ўринбосарлари иштирокида ўқув семинар ўтказилди.

Семинарда Жаҳон иқтисодий инқирозининг республикамиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар муҳокама қилинди.

Семинарда маъруза қилган тегишли вазирлик, қўмита ва банклар раислари ўринбосарлари тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш, экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартириш бўйича соҳавий йўналишлар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Анжуманда тадбиркорлар ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига тўсиқ бўлувчи, истеъмолчилар манфаатини поймол қилувчи ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш Бош прокуратура ҳузуридаги мазкур департамент ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаши қайд этилди.

Анжуманда айтилган тавсиялар, тақдим этилган кўрсатмалар асосида аниқ мақсадга йўналтирилган вазифалар белгилаб олинди.

**Департамент матбуот гуруҳи**

# ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ

«Россияда ишлаб келган қариндошим Ибодулла рўзғорини анча тиклаб олганига қизиқиб, кетиб юбордим, дейди жабрланувчи С.Мирзараҳимов. — Аммо беш бармоқ баробар эмас экан. Кимдир ютиб, кимдир ютқазаркан. Етти киши эдик. Араббой ваъда қилганидек, бизни Барнаул областидаги ёғоч тайёрлаш корхонасига ишга жойлади. Ўрмонда дарахт кесиб машиналарга юклардик. Меҳнати оғир эди. Шунга яраша ҳақ тўлашади деб умид қилгандик. Умидимиз сароб бўлиб чиқди. Араббой ваъда қилган тўрт юз-беш юз ўрнига икки юз доллардан ойлик тўлади. Берган пули ўзимиздан ортмади. Қолганини уйга қайтаётганларингда оласизлар, деб ишонтирди. Етти ой ишлаб қайтмоқчи бўлганимизда йўлкирага яраша пул берди. Ортларингдан ўзим бориб, ҳисоб-китоб қиламан, деб ваъда қилди. Бир жойданмиз-ку, деб лафзига ишондик.

Қишлоққа қайтиб келдик. Дараги бўлавермагач, туман марказидаги уйига бордик. Хотини: «Мен билан ажрашиб, ўша ёқда бошқа бир аёлни никоҳлаб олган», деганида алданганимизни сездик. Қўл телефонини ўчириб, қўнғироқларимизга жавоб бермай қўйди. Бир йил бўляпти, қайтгани йўқ. Энди қайтиб келмаслиги аниқ бўлиб қолди. Ўрмондаги ботқоқлик ёнида ишлаб, сил касалини орттириб олдим, холос».

Меҳнат ва ташқи миграция агентлигининг жойлардаги вакиллари орқали эмас, ғайриқонуний «ишга ёлловчи»ларнинг пуч ваъдаларига ишониб, хорижга отланган содда кишилар юқоридагидай сув текинга ишлаб, чув тушиб қолишмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари одам савдоси жиноятларида жабрланган фуқароларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатишди. Ўтган йили жабрланган 183 нафар фуқаронинг 157 нафарида касалликлар аниқланиб, касалхоналарда даволанишди. Шу билан бирга, хорижга ишлагани бориб қайтганларнинг учдан икки қисми тиббий кўрикдан ўтказилиб, юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинди. 7 нафар фуқарода ОИВ инфекцияси аниқланиб, даволашга ётқизилди. Хорижда сил касаллигига чалинган 109 нафар фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилиб, соғлиқларини тиклаш имкониятлари яратилди.

Вилоят прокуратураси органлари одам савдоси жиноятларининг олдини олиш учун кенг кўламли профилактика ишларини олиб бормоқда. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари, маҳаллий ОАВдаги чиқишларда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини шарҳлаб беришмоқда. Ноқонуний «ишга ёлловчи»ларнинг пуч ваъдаларига ишониб, хорижда ишлаб, ҳақларини ололмай сарсон бўлган, соғлиқларини йўқотган жабрланувчиларни ижтимоий ҳимояга олиш, жиноятчиларни жавобгарликка тортиш билан бирга кенг жамоатчиликни одам савдосига қарши курашга сафарбар этишмоқда.

Шаҳар ва туманлар прокурорларининг ташаббуси билан 27 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда 3822 та корхона, 390 нафар тадбиркорлар 17 минг 500 га яқин иш ўринлари билан қатнашишди. Ярмаркаларнинг ўзида 11 минг 700 нафардан зиёд коллеж ва ўқув юртларининг битирувчилари, турли ёшдаги касб-кор эгалари, хориж мамлакатларидан қайтиб келган фуқаролар билан меҳнат шартномалари тузилди.

Хориждан қайтганлар учун 35 маротаба ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 10 минг 778 нафар фуқаро ишга қабул қилинди. 246 нафар фуқаро билим даргоҳларига ўқишга кирди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган 5000 нафардан зиёд фуқаро 328 та корхона ва фирмалардаги квотали иш ўринларига жойлашдилар. Ёшлар учун махсус меҳнат ярмаркаларида 3184 нафар битирувчилар иш билан таъминланди.

Шунингдек, меҳнат шартномасини тузган битирувчиларнинг ҳақиқатда иш билан бандлиги ўрганиб борилди. Афсуски, корхоналарга юборилган 200 нафардан зиёд битирувчилар ишламаётган экан. Уларни ўзларига мақбул жойларга қайта ишга жойлаштириш чоралари кўрилди.

Ўтган йил мобайнида Бандликка кўмаклашувчи марказларга мурожаат этган фуқароларнинг 45 минг 200 нафари иш билан таъминланди. 3970 кишига ишсизлик мақоми берилди, 1952 киши қайта касбга тайёрлашга юборилди, 2066 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Бироқ меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш, хусусан, касаначилик асосида ишни ташкил қилиш борасида қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси тизимидаги корхоналарда муқаддам аниқланган қонунбузарликлар бартараф этилмаган. Фаолияти тугатилган «Қўрғонтепа», «Қўқонқишлоқ», «Оқ олтин» пахта тозалаш корхоналарида ишлаган касаначилар ўз ҳолларига ташлаб қўйилган. Иқтисодий ночорлиги туфайли банкрот бўлган «Ойим текстил», «Булоқбоши ипаги» ва «Балиқчи текс» корхоналари қошида ишлаган касаначиларни қайта ишга жойлаштириш билан ҳеч ким шуғулланмаган. Ушбу қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш, бандликка кўмаклашувчи марказларнинг самарали иш юритишларига эришиш ҳамда Меҳнат ва ташқи миграция агентлигининг жойлардаги вакиллари фаоллигини ошириш орқали одам савдоси жиноятларининг олдини олиш долзарб вазифаларимиздан биридир.

**Зокиржон ИСМОИЛОВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

Нидиқ

# КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ

**Мактабсиз миллат келажагини тасаввур қилиш қийин. Буни яхши англаган давлатимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшларнинг замон талаби даражасида таълим олишлари учун барча имкониятларни ишга солди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ҳам мамлакатимизда юзлаб янги мактабларнинг бунёд этилишида омил бўлди.**

Бу борада Янгиобод туманида ҳам кўплаб ишлар қилинди. Янги мактаблар қурилди, эскилари капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ишларнинг рисоладагидек бажарилишида ҳалол, ўз ишининг устаси бўлган қурувчиларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Бироқ, ҳамма ҳам ҳалол бўлавермас экан. Ўзининг чўнтагини ўйлаб, таъмирлаш учун ажратилган маблағларни «туя» қилаётган кимсаларнинг учраб туриши кишини ўйга толдиради. «Таълим келажаги» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Баҳром Мансуров ана шундай виждонсиз кимсалар сирасидан эканлиги текширишда маълум бўлиб қолди. Унга Янгиобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Ойбек номли 13-умумий таълим мактаби ва 1-сонли Султонназаров номли умумий ўрта мактабни таъмирлаш ишониб топширилганди. Лекин Б.Мансуров ишончни суиистеъмол қилди. У ўзи раҳбарлик қилаётган фирма орқали Жиззах вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати «Инжиниринг компанияси» ва бош пудратчи «Жиззах коммуналқурилиш» КТИЧФлар ўртасида уч томонлама шартнома тузади. Шартнома шартига биноан Б.Мансуров 2008 йилнинг апрель ойидан август ойигача қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширади. Лекин... У 40 млн. сўмлик ишлар бажарилди, дея ҳужжатларни сохталаштириб, 13 млн. 353,6 минг сўмни нақдлаштириб, чўнтакка уради. Бу ҳам етмагандек, қурилиш материалларини сотиб олиш учун «Гранд Меркурий» МЧЖ, «Жиззах кўҳинур» каби корхоналар билан шартнома имзолайди.

Текширишда юқоридаги ташкилотлардан 627,7 минг сўм кредиторлик қарзлари борлиги аниқланди. Бундан ташқари, Б.Мансуров 2004 йил 1 январидан 2008 йил 1 октябригача бўлган иш фаолияти даврида қўшимча қиймат солиғини ҳисоботларда кўрсатмасдан фаолият олиб борган. Бажарилган иш ҳажмини камайтириб кўрсатиб, 4 млн. 140,6 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Баҳром Мансуровнинг барча сирлари терговда фош қилинди. «Кўза кунда эмас кунида синади», дегани шу бўлса керак.

**Жаҳонгир ЭШОНҚУЛОВ,**
**Янгиобод туман прокурорининг ёрдамчиси**

# САМАРАЛИ ИШЛАШ ЛОЗИМ

**Фарғона вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишни вилоят прокурори Жамшид Файзиев олиб борди.**

Йиғилишда «Умумий жиноятчилик, унинг оғир ва ўта оғир турлари ўсишига олиб келган омиллар ҳамда шарт-шароитлар таҳлили, жиноятга жазо муқаррарлигининг таъминланиши, баъзи жиноятларнинг фош этилмасдан қолишининг сабаблари ва бу борадаги прокурор назорати» тўғрисида вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи М.Аҳмедов ахборот берди.

Ўтган йили жиноятчиликка қарши кураш борасида қилинган ишлар кўзланган самарани бергани йўқ. Жиноятлар содир этилиши 2007 йилга нисбатан 6,3 фоизга ўсган. Оғир жиноятлар ошиб кетишига йўл қўйилган. Айниқса, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг ортгани ниҳоятда ташвишлидир. Профилактика ва тарбиявий ишлар қониқарсизлиги оқибатида 1487 нафар муқаддам судланган шахслар такроран жиноят содир этишган.

Шаҳар ва туманларнинг прокурорлари, ИИБ масъул ходимлари ўз ҳудудларида жиноятчиликнинг ўсиши сабаблари ва унинг олдини олиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳисоб беришди.

Вилоят прокурори Жамшид Файзиев жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда кенг жамоатчиликка таяниб иш кўрилсагина, кутилган натижага эришиш мумкин эканлигини алоҳида таъкидлади. Келгусидаги вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи Т.Худайберганов, жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси Р.Маҳмудовалар иштирок этишди. Муҳокамага қўйилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Нурмуҳаммад СУЛАЙМОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# Қонунбузар «шоввоз»лар

**Мамлакатимизда ишнинг кўзини билган, қонунга итоаткор тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Улар бугунги кунда ўз маҳсулотларини юртимиз бозорларига чиқариш билан чекланиб қолмай, хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқдалар. Тадбиркорлик туфайли минглаб юртдошларимиз иш билан таъминланмоқда. Энг муҳими, тадбиркорлик фаолияти қонун доирасида бўлса бас.**



Энди бевосита фаолиятимизга тўхталадиган бўлсам, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган йилда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтказилган тадбирларда 590 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 421 та жиноят ва 169 та маъмурий ишлар қўзғатилди. 1 млрд. 313 млн. сўмлик товар-моддий бойликлари олиб қўйилди. Жами 3 млрд. 987 млн. сўм миқдорида етказилган моддий зарар аниқланиб, шундан 589,5 млн. сўми ундирилди. Давлат бюджетига қўшимча 10 млрд. 682 млн. сўм солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиб, 4 млрд. 959 млн. сўм ундирилди.

Шунингдек, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган 7 нафар банк, 1 нафар маҳаллий ҳокимият, 7 нафар солиқ, 3 нафар ички ишлар ва 17 нафар бошқа идора ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Валюта операциялари бўйича ҳисоботларнинг тўлиқлигини таъминлаш, хорижий валютанинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар натижасида 65 та ҳолат аниқланди. Натижада, ноқонуний муомалада бўлган 55 минг 507 АҚШ доллари, 850 минг Қозоқ тенгеси, 30,8 млн. Ўзбекистон сўми, 102 минг Россия рубли ва 510 евро далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жумладан, Тошкент тумани ҳудудидаги «Гулистон» кафеси олдида Ф.Абдураҳмонов фуқаро Х.Абдуллахўжаевага ҳар бир АҚШ долларини 1420 сўмдан ҳисоблаб, 4000 АҚШ долларини 5 млн. 680 минг сўмга сотаётганда ушланган.

Шунингдек, яширин иқтисодий фаолиятга барҳам бериш борасида тезкор тадбирлар амалга оширилиб, 39 та яширин цех фош этилди. Ҳуқуқбузарлардан ноқонуний равишда ишлаб чиқарилган 24,8 млн. сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Аниқланган ҳолатлар бўйича 25 та жиноят ва 14 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди. Яширин цехларнинг 9 таси спиртли ичимликлар, 10 таси пахта ёғи ва 20 таси бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

Департаментнинг Тошкент вилояти Бекобод туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлардан бирида фуқаро Х.Қурбанов тегишли ҳужжатларсиз, яширин равишда хонадонига мойжувоз ускунасини ўрнатиб, чигитдан ёғ ишлаб чиқариб келганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан Х.Қурбановга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қонуний чора кўрилди.

Четдан товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва муомалага киритилиши билан боғлиқ 104 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 44 та жиноят ва 60 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 872,6 млн. сўмлик ҳужжатсиз товар-моддий бойликлари олиб қўйилди. Жумладан, Тошкент тумани «Кўк-сарой» ҚФЙ идораси орқасида жойлашган, омбор сифатида фойдаланилаётган бинода З.Ҳабибуллаевга тегишли бўлган, Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистонга божхона назоратини четлаб олиб ўтилган, ҳеч қандай ҳужжатларсиз, Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 191 млн. 467,5 минг сўмлик ун маҳсулотлари ҳамда ушбу ун маҳсулотларини ташиган автомашиналар сақланаётганлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олинди.

**Фахриддин ҲАМДАМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи**

# ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛА

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган 2008 йилда шаҳар прокуратураси органлари томонидан соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан 339 та текшириш ўтказилиб, текширув натижасига кўра 3171 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги натижасида ўтган йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 3,7 фоизга камайган.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият ҳамда мутасадди идораларнинг 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорликдаги ҳаракат Дастури ишлаб чиқилган ва ижрога қаратилган. Шунингдек, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ходимлари томонидан ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирлар пойтахт ҳудудида жойлашган 297 та умумтаълим мактаблари, 79 та касб-ҳунар коллежлари ва 37 та академик лицейларда ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири 27 февраль куни Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Туман прокуратураси, ИИБ, туман ХТБ ходимлари, участка нозирлари, маҳалла раислари иштирок этган йиғилишда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш борасидаги давлат сиёсати, ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзига интилишини шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш, вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, болалар спортини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

# Ҳуқуқий муҳофаза – осойишталик асоси

Марғилон шаҳридаги 2-тиббиёт коллежида бўлиб ўтган йиғилишда Республика Президентининг 2008 йил 8 июлда эълон қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқувчи вазифаларга эътибор қаратилди. Шаҳар прокуратураси ташкилотчилигида ўтган мазкур йиғилишда коллеж жамоаси, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



Йиғилганларга шаҳар прокурори М.Эгамбердиев жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни бартараф этиш, ундан жабр тортганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ва бундай жиноятларга қонунда кўзда тутилган жазо чоралари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Маълум бўлишича, шаҳарда ҳам одам савдоси жинояти билан шуғулланувчилар аниқланган. Уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилмоқда. Бундай жиноят қурбонларига ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, хорижга ноқонуний чиқиб кетган, бедарак йўқолганларни қайтариш, қидириш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Йиғилишда шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Минавваров, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёшларни ватанпарварлик, қонунларга итоат руҳида тарбиялаш, уларни диний экстремизм ғоялари, ақидапарастликдан сақлаш ҳақида гапирди.

Йиғилишда шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, унинг олдини олишда ҳамжиҳатлик билан иш олиб бориш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, Марғилон шаҳри ўзининг гўзал ва таниқли номига ҳар томонлама муносиб бўлиши керак.

**Муҳаммаджон УМАРОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

**Суратда:** Марғилон шаҳар прокурори М.Эгамбердиев 2-тиббиёт коллежи ўқитувчилари билан мулоқотда

# АСР МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Биз ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилганмиз. Бундай жамиятни соғлом турмуш тарзисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ҳам қабул қилинаётган турли давлат дастурларида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларда шундай ҳаёт тарзига интилишни шакллантириш масаласи муҳим ўрин тутади.

Биламизки, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу жараён, айниқса, таълим муассасалари зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди.

Шу маънода, Республикамиз Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 январдаги «Таълим муассасаларида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 15-сонли буйруғидан келиб чиқиб, жойларда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Тошкент юридик коллежида «Ёшлар наркомания, ОИТС ва кашандаликка қарши», «Одам савдосига қарши кураш чоралари» мавзуларида конференция ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Конференцияда Тошкент шаҳар ИИББ, Адвокатлар уюшмаси, Тошкент шаҳар Наркология диспансери масъул ходимлари, профилактика нозирлари иштирок этишди. Шунингдек, тадбирга ТДЮИ талаба ва магистрантлари, ОАВ вакиллари жалб этилди.

— Коллежимизда таҳсил олаётган ёшлар бўлажак ҳуқуқшунослардир. Улар жамиятимизнинг илғор вакиллари бўлиб камол топиши ва ўз тенгдошларига ўрнак бўлиши шарт. Шу боис, ўқув муассасаларидаги бундай тадбирлар, давра суҳбатлари ёшларимиз онгида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади, — дейди конференция ташкилотчилари, коллеж ўқитувчилари А.Исмоилова ва З.Ҳафизовалар.

Ўтказилган анжуманларда аср муаммолари — наркомания, ОИТС ва одам савдоси каби иллатларнинг инсониятга солаётган таҳдиди, уларга қарши кураш масалалари муҳокама этилди. Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бундай муаммоларга қарши кураш олиб боришнинг энг самарали йўли эканлиги эътироф этилди.

**Карима НУРМАТОВА,**
**Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси**

НАЗОРАТ

# ЛОҚАЙДЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Халқ саломатлиги – миллат бойлиги ҳисобланади. Элу юрт осойишта, одамлар, бехавотир, соғлому бақувват бўлса, ишда унум, ҳар соҳада муваффақият, ҳар бир хонадону жамоада файз, дастурхонда қут-барака бўлади. Бироқ, энг катта бойлик –саломатликка нисбатан лоқайдлик, эътиборсизлик билан қаралган жойда албатта, ноҳуш ҳолатлар юзага келиши тайин.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан аҳоли саломатлиги ҳақида қайғурилаётган бир пайтда кундалик истеъмол, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва сақланиш ҳолати қай аҳволдалиги муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бугунги кунда бозорларимизда, гўшт дўконларида, озиқ-овқат магазинларида сотилаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари сифатидан кўнгил тўладими? Уларнинг одамлар саломатлигига зарарли таъсири йўқлигига кафолат борми? Ана шу каби саволлар кўпчиликни қизиқтиради.

Яқинда Ғиждувон туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида куйдирги ва бошқа ўта юқумли касалликлар ҳамда ўткир диареянинг олдини олиш, чорва молларини сўйиш ва аҳолини сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар аҳволи таҳлил этилди. Текшириш жараёнида кўплаб қонунбузилишлар содир этилгани аниқланди.

Жумладан, туман ветеринария бўлими томонидан 99 нафар жисмоний шахсга чорва молларини сўйиш учун рухсат гувоҳномалари берилган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги тиббий кўрикдан ўтказилмаган.

Молларни сўйишга мўлжалланган кушхона ва майдончалар, гўшт маҳсулотларини сотиш майдончаларининг санитария талабларига жавоб бермаслиги жиддий хавотир уйғотади. Бозор ҳудудларида ва бошқа жойларда тегишли рухсатномасиз, белгиланмаган жойларда чорва моллари сўйилиб, истеъмолчиларга сотилиши оқибатида ўткир диарея, «вабосимон вибрион» каби касалликларнинг кўпайиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бундай кечириб бўлмас ҳолатнинг юзага келишига туман давлат солиқ инспекцияси, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, туман ветеринария бўлими ходимларининг ўз хизмат вазифаларини етарлича олиб бормаганликлари сабаб бўлмоқда.

Жумладан, «Буктарой» қишлоқ фуқаролар йиғини «Кўшк» қишлоғида яшовчи Бобомурод Икромов давлат идораларидан рўйхатдан ўтмасдан қассоблик билан шуғулланган. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузиб, шу қишлоқда жойлашган савдо дўконида тиббий кўрикдан ўтмасдан, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасдан аҳолига гўшт маҳсулотларини сотиб келаётганлиги аниқланган. Худди шу каби қонунбузилиш ҳолатларига «Сарвари» қишлоқ фуқаролар йиғини «Заҳкаш» қишлоғида яшовчи Самад Очилов, Нодира маҳалласи, Ойбек кўчаси 30-уйда истиқомат қилувчи Аваз Тешаев, «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Девкент қишлоғида турувчи У.Қўлдошев, Ғовшун қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Наврўз» қишлоғилик Самандар Муқимов, «Фришкент» қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Янгиработ» қишлоғида истиқомат қилувчи Анвар Аҳмедов ва бошқалар ҳам йўл қўйишган.

Чорва молларини сўйиб сотиш эвазига даромад орттираётган шахслар ўзларининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари оқибатида инсонларнинг саломатлигига катта зарар етказаётганликлари, айрим ҳолларда ҳаётини хавф остида қолдираётганларини ўйлаб ҳам кўришмаса керак.

Туман ҳудуди бошқа вилоят билан чегарадошлиги сабабли «Сармижон» йўл-патрул хизмати масканида узлуксиз постлар ташкил этилган. Бу айни муддао. Бироқ, бу масканда маҳсулотларни ветеринария-санитария талабларига жавоб бериши мунтазам текширилиб борилган бўлса-да, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги кечириб бўлмас ҳолдир.

Хусусан, «Сарвари» қишлоқ фуқаролар йиғини «Заҳкаш» қишлоғида яшовчи фуқаро Ғайбулло Жўраев молларни транспортда ташишда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилмаган. У махсус кийим, қўлқоп, брезент кийимлар билан таъминланмаган ва молларни ветеринар врач кўригидан ўтказмаган.

Хўш, юқорида номлари зикр этилган шахслар ва улар фаолиятини назорат қилувчи масъул мансабдор шахслар, мутахассислар нега шу пайтгача ғафлат уйқусида бўлишган?

Наҳотки, уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳушёрлик ва ҳалоллик билан бажаришлари учун прокуратура аралашиши керак бўлса? Ахир, улар бу борадаги боқибеғамлик аҳоли соғлиғига путур етказишини яхши билишади-ку.

Туман прокуратураси томонидан қонунбузилишларни бартараф қилиш чора-тадбирларини белгилаш лозимлиги ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Одамлар ҳаёти, соғлиғи билан боғлиқ масалаларда эътиборсизликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биргина кичкина нуқсон туфайли катта фожиа юзага келиши ҳеч гап эмас. Буни ҳеч кимнинг ҳеч қачон унутишга ҳаққи йўқ.

**Ботир СУЛТОНОВ,**
**Ғиждувон туман прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ОЗОД ЮРТИМ АЁЛЛАРИ

Аёлни асраб-авайлаш, унга ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш ва дунёдаги барча яхшиликларни бахшида этиш ҳар бир инсон учун шарафли ишдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, аёлларнинг чексиз сабр-бардоши, тинимсиз меҳнати билан хонадонларимиз обод, кўнгилларимиз шод. Фарзанди учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаёт давомийлигини асраб келаётган қадрдон чеҳраларнинг ҳар бир куни том маънодаги фидойилик намунасидир.



Инсон маданияти ва маънавий қиёфасининг даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабатида ойдинлашади. Ўзбек эса азал-азалдан волидаи муҳтарамаси, аҳли аёли, опа-синглисини ор-номус даражасида кўрган.

Мустақил Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун рўзғор тебратишдан тортиб, давлат ва жамият қурилиши, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва спорт соҳаларини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Энг асосийси, аёлни АЁЛ сифатида эъзозлаш муҳим қадриятга айланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек хотин-қизларини ижтимоий фаол ҳаётга жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига жалб этишга жиддий эътибор қаратилди. Аёлларнинг сиёсий фаолиятига кенг йўл берилиши натижасида давлат ҳокимиятини бошқаришда аёллар сонининг ортиши кузатилмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 17,5 фоизи, Сенат аъзоларининг 15 фоизини хотин-қизлар ташкил этса, соғлиқни сақлаш тизимининг 73 фоизини, халқ таълимининг 70 фоизга яқинини, иқтисодиётнинг 44 фоизини, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эса деярли 23 фоизини хотин-қизлар банд қилмоқда. Бу рақамлар жамиятимизда хотин-қизларимизнинг нуфузи ошаётганлигидан далолат беради.

Биз донишмандларнинг «дунёни гўзаллик қутқаради» деган ташбеҳини яхши биламиз. Ана шу гўзаллик рухсори айнан аёл чеҳраси-ю, сийратида намоён. Ҳар бир хонадоннинг осойишталиги, рўзғордаги тартиб-интизом, анъаналарнинг умрбоқийлиги, тинч-тотувлиги, файзли ҳаёти аёл кишига боғлиқ. Зеро, уддабурон, тадбиркор аёл оилада ҳам, жамиятда ҳам тўкин-сочинликнинг гаровидир.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги дастлабки қадамлардан бири бу БМТнинг «Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг 1995 йилда ратификация қилиниши бўлди. Бу билан Ўзбекистон халқаро ҳамжамият олдида мазкур Конвенциянинг ҳамма қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олганлигини алоҳида таъкидлади.

> ***«Оналарнинг обрў-эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак».***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон давлати таълим соҳасида, соғлиқни сақлаш, шунингдек гендер тенгликда, яъни аёлларга ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ масалаларда катта ютуқларга эришди.

Давлат миқёсида қабул қилинган ҳужжатлар асосида ҳукумат, вазирликлар ва қўмиталар, жамоат ташкилотлари томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳаларида иштирокини таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинганлиги бежиз эмас.

Албатта, аёлларимизнинг эришган ютуқлари билан биргаликда ҳали амалга оширишлари лозим бўлган ишлари, фойдаланилмаган имкониятлари кўп. Қонунчилигимизда, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аёлларга берилган имконият ва имтиёзларни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам яхши тасаввур этамиз.

Хоҳ оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси, хоҳ хизматдаги вазифа бўлсин — ана шу меҳнатнинг қадрига етиш, уни муносиб баҳолаш, турли минбарлардан аёллар шаънига айтиладиган чиройли гапларни амалда рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш айни муддао бўларди.

Шу мақсадда оиланинг даромадини кўпайтириш, ижтимоий масалалар — аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган барча ишларимизни шу йўлдаги энг муҳим вазифалар сифатида қабул қилишимиз зарур. Жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш борасида ҳам катта ишларни рўёбга чиқариш вазифаси кўндаланг турибди.

Оилаларда маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш мақсадида маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар қўмиталари қошида диний-маърифий ишлар билан шуғулланувчи маслаҳатчилар лавозими таъсис этилганлиги ва бу маслаҳатчиларнинг олиб бораётган ишлари эътиборга моликдир. Буларнинг барчаси республикамизда яшаб, ижод қилиб келаётган ҳар бир аёлнинг ҳаётга, яшашга бўлган муҳаббатини зиёда қилади.

Ҳар йили 8 Март — Халқаро Хотин-қизлар байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарининг табригини мамнуният билан қабул қилар эканман, шахсан мен аёл ва она, раҳбар сифатида юртимиз хотин-қизларининг фидойилиги, мустақиллик йўлида қилаётган меҳнатлари муносиб қадрланиб келинаётганидан фахрланаман.

Азизларим, Сизларни яна бир бор зеболик ва нафосат байрамингиз билан муборакбод этаман. Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

**Светлана ОРТИҚОВА,**
**Бош прокуратура бўлим бошлиғи**

# Мукаммаллик тимсоли

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Туркистон халқларининг кўплаб қадимги ёзма ва оғзаки манбаларида ҳам аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи юқори баҳоланиб, улар эркаклар билан тенг бўлганликлари ўз ифодасини топган. Ана шу даврларда мамлакат гуллаб-яшнаган, аёллар камситилган даврларда эса ижтимоий ҳаёт таназзулга юз ўгирган. Чунки бани Одамнинг биринчи тарбиячилари — аёллар, оналардир.

Қуёшсиз гуллар очилмагани, меҳнатсиз ноз-неъматлар яратилмагани, севгисиз бахт бўлмаганидек, аёлларсиз биз ҳам, қаҳрамон ҳам, шоир ҳам бўлмасди. XIX асрнинг бошларида яшаган таниқли француз адиби ва жамоат арбоби С.Буффлер: «Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин», деган экан.

Оппоқ либосдаги шифокор, ўқитувчи ёки тарбиячи аёлларга қараб меҳринг товланса, ҳарбий кийимдаги матонатли ва шижоатли хотин-қизларни кўриб ҳайратинг ошади. Улар кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ ҳозир. Бу ҳам аёлнинг мукаммаллигига ёрқин мисол эмасми? Уларнинг ҳар бирини замонамиз қаҳрамонлари десак, ҳеч бир муболаға қилмаган бўламиз.

Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, дейилган. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ва ижтимоий даражасини кўтариш мақсадида ўнлаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шубҳасиз бундай ҳужжатлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда аёлларимиз орасида 8 нафар академик, 310 нафар фан доктори (16 фоиз) ва 3025 нафар фан номзод (33 фоиз)лари бор.

«Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир». Юртбошимизнинг бу гапларида аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи юксак даражада эътироф этилган. Бинобарин, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларини янада ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган вазифалар Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бизга нимаики азиз, мўътабар, меҳрли бўлса, ёнига она сўзини қўшиб айтамиз. Она Ватан, она замин, она... Нимаики гўзал ва сеҳрли бўлса, уни севикли ёримизга ўхшатамиз. Уни пари, малак, фариштам, гулим дейсиз. Қизларни баҳорга қиёслаймиз, баҳорни қизларга. Гўзаллик, нафосат, янгиланиш, ҳаёт давомийлиги баҳор ва аёл тушунчаларида уйғунлашиб кетади. Аёл ва ижод тушунчалари ҳам аёл ва баҳор тушунчалари каби бир-бирига яқин, уйғун. Баҳор илҳом манбаи, аёл ҳам не-не гўзал асарлар, Тожмаҳалдек дунёдаги етти мўъжизанинг бири, деб тан олинган бетакрор меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилишига сабаб бўлган муҳтарам зот.

Кўнглимиз фариштаси, уйимизнинг сариштаси азиз аёллар, муҳтарама оналар ва азиз опа-сингилларимиз, доимо баҳордек яшнаб юрсинлар. Қадрлари баланд бўлиб, қалблари муҳаббат билан тўлсин.

Муҳтарама оналар, азиз опа-сингиллар, севикли оиламиз бекалари ва гўзал қизларимизни қутлуғ айём билан муборакбод этамиз.

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**



Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Р.Юсупова *(чапдан)*, вилоят прокуратураси бўлим прокурори З.Маткаримова ва Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Ибрагимова навбатдаги тарғибот тадбирлари олдидан.

# Севган касбингда ишлаш — бахт

Инсон табиатнинг бир бўлаги. Шу боис баҳор, аввало қалбларга ташриф буюради. Эрталаб ишга, ўқишга отланар экансиз, йўл четидаги майсаларнинг қуёш билан чақчақлашаётгани, шаббоданинг Наврўз яқинлашаётганини айтиб дарахтлардан суюнчи олаётгани сизнинг қалбингизда ҳам баҳорий ҳис-туйғуларни куртак олдиради. Буларни кўриб дилингиз яйрамайдими? Эҳтимол, шу топда дарахтлардаги куртак мисол фарзандингиз, қўшнингиз, ҳамкасбингизнинг кўнглида ҳам янги-янги орзулар юз очаётгандир...

Дарҳақиқат, инсон орзулар билан яшайди. Чимбойлик Пардабой оға Бекдуллаев ва Равшаной Ибрайимова оиласида жажжигина қизалоқ дунёга келганида улар фарзандининг эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлиб вояга етишини ният қилишган эди. Яхши ният — ярим давлат, дейишади. Асли касби муҳандис бўлган, Чимбойдаги автобазага узоқ йиллар раҳбарлик қилган Пардабой оға ҳам, туман марказий касалхонасида ишловчи Равшаной ая ҳам фарзандларига доим билимли ва оқил бўлиш кераклигини уқтиришарди. Шу боис фарзандлар илмли, ҳунарли, меҳр-оқибатли бўлиб вояга етишди.

Бугунги кунда иккови врач, бири муаллим, бири туман ҳокимиятида ишлайди. Иккитаси талаба, бири ҳарбий хизматда, бири суд ижрочиси. Қаҳрамонимиз Бозоргул Байманова эса Чимбой туман прокуратурасида прокурор ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатади.

— Ҳаёт йўли равон эмас, — дейди Бозоргул. — Қийинчиликлар, тушунмовчиликлар бўлади. Мен ёшлигимдан шу соҳада ишлашни орзу қилганман. 1994 йили мактабни битиргач, Нукус давлат университетига ҳужжат топширдим. Лекин синовларда омадим чопмай икки йил ўқишга киролмадим. Ниҳоят, 1996 йили талаба бўлиш бахти насиб этди. 2000 йили университетни юриспруденция мутахассислиги бўйича тугатдим. Демоқчиманки, инсон орзусидан ҳеч қачон воз кечмаслиги керак экан. «Интилганга толе ёр», деб бекорга айтишмаган ахир...

2001 йили бир муддат Нукус шаҳар ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар комиссияси масъул котиби бўлиб ишлаган Бозоргул шундан сўнг 2008 йилгача Чимбой туман прокуратурасида иш ўрганувчи, прокурорнинг катта ёрдамчиси, терговчи сифатида фаолият кўрсатди. Оилали, бир ўғил, бир қизи бор.

— Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади, — дейди Б.Байманова. — Менимча, оилангга, яқинларингга кераклигингни ҳис қилиб яшаш, севган касбингда ишлаш энг катта бахт.

Бу сўзларга изоҳ ортиқча. Яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Бозоргулни табриклаб қоламиз. Бировдан ёрдамини аямайдиган, ўз ишига масъулият билан ёндошадиган, билимли шундай ходимлар борлигидан кўнглимизда фахр туйғусини ҳис қиламиз.

**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Ниqиq» мухбири**



# Хотин-қизларнинг ҳуқуқий кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги кафолатланиши билан бир қаторда, оналик ва болаликни муҳофаза этиш мақсадини кўзлаб, уларнинг бир қатор имтиёзли ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Жумладан, меҳнат қилишда оналарга шароит яратилиши, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан, ҳомиладор аёл учун ҳақ тўланадиган таътиллар белгилаш, ёш болали оналарнинг иш вақтини аста-секинлик билан қисқартириб бориш билан боғлиқ ҳуқуқлар кафолатланди.

Хотин-қизларнинг имтиёзли ҳуқуқлари Конституция асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида хотин-қизларнинг меҳнатини тўғри йўлга қўйиш, ишга қабул қилишда турли чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга имтиёзли иш вақти белгилаш назарда тутилган бўлса, Оила кодексида турмуш ва оилавий муносабатларда аёлнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оналикни муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантириш каби имтиёзли ҳуқуқлар мустаҳкамланди.

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Хотин-қизларларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунга кўра болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг ҳафтасига ўттиз соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланди. Бу имтиёз аёлларни фарзанд тарбияси билан бир қаторда меҳнат фаолиятлари билан шуғулланишлари учун ҳам кенг имконият яратди. Ушбу қонунга кўра, аёлларнинг кўп йиллик меҳнатини қадрлаган ҳолда, 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёлларнинг 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи кафолатланди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини ҳамда сиёсий фаоллигини оширишга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги фармонига кўра, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари янги лавозими жорий этилди. Унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юкланди. Шунингдек, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси раисининг ўринбосари ва ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимларини тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эгаллаши белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Республикамизда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги фаоллигини рўёбга чиқариш учун етарлича имтиёзли ҳуқуқлар белгиланган. Бу ҳуқуқларни таъминлашда нафақат хотин-қизларнинг фаоллиги, балки, барча муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарларининг хотин-қизларнинг имтиёзли ҳуқуқлари ижросини таъминлашга доир масъулиятини ошириш ҳам тақозо этилади. Чунки, прокуратура органлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида хотин-қизларнинг меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари поймол этилганлиги аниқланиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

2008 йил 12 ойи давомида меҳнат бўлимларига 297 минг 885 нафар хотин-қизлар иш сўраб мурожаат қилган бўлса, шундан 259 минг 88 нафари иш билан таъминланган, 35 минг 701 нафари ишсиз деб эътироф этилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда аввало, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қачонки, аёллар ва қизлар ўзларининг ҳуқуқларини тўла билгандагина ундан фойдаланади ва бузилган ҳуқуқини ҳимоя қила олади.

Бу масалаларни амалга оширишда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлардаги аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларига доир меъёрларни доимий тушунтириб бориш бўйича тадбирлар самарадорлигини ошириш лозим.

**Матлуба АМИНЖОНОВА,**
**Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи**

# *Аёл — нафосат гули*

Аёл — меҳр маъбудаси. Бир қўли бешикни, бир қўли дунёни тебратишга қодир, жисман нозик, маънан буюк қудрат соҳибаси. Бу ташбеҳларнинг ҳаётий инъикоси сифатида аёлга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат, башариятни кўксида эъзозлаб дунёга келтирган улуғ зот — она миллат тақдирига дахлдор.

Мустақиллик ўзбек аёлини эъзозли ва қадрли эканлигини яна бир бор намоён этди. Шу сулола вакили сифатида мен ҳам бахтли ўзбек аёлиман дейишга ҳақлидирман. Фаолиятим давомида ҳамкасбларим, эл олдида обрў топдим. Оилам, фарзандларим бағримда. Ҳорғинлик сезсам ҳаётим қувончи жажжи неварам Жавҳаринозни қучиб роҳатланаман.

Таъкидлаш жоизки, миллат генофондини асровчи, шажарангиз давомийлигини таъминловчи аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бугун қонун ҳимоясида. Бахтимиз, саодатманд кунларимизнинг аввали шундан.

Маънавий илдизларида, қон томирида Тўмарисга хос шижоат, Моҳларойимдек тарҳи тозалик, Мумтозмаҳалбегимдек заковат уйғунлашган аксарият аёлларимиз зиммасида давлат иши, бола тарбияси, уй-рўзғор юмуши... Албатта, бу масъулиятнинг ўзига яраша гашти билан бирга машаққатлари ҳам йўқ эмас. Бироқ, маънавиятли, билимли, оқила аёл ҳаётнинг мазмуни — ҳаракат эканлигини дилдан ҳис қила олади. Аёл зоти фидойилик кўрсатибгина қолмай, фидо бўлишни ҳам билади. Унинг буюклиги, улуғлиги шунда.

Эл ташвиши, юрт осойишталиги, рўзғор бутлиги, фарзанд камоли учун бир эмас, қирқ жонини ҳам аямайди, аёл. Мен таниган, билган, кунда-кунора суҳбатлашадиган турли касб эгалари: М.Ғаниева, М.Ҳайитова, М.Ражабова, М.Ҳусаинова, Р.Мустафоева, Л.Мансурова, М.Зарипова, Ш.Бақоева... Бири ҳуқуқшунос, бошқаси адвокат, журналисту муаллима — улар аввало она, улар аёл. Меҳридан нур индирган, илингани яхшилик, топингани, тутингани эзгулик, сафдошларим менинг. Гўзаллик, нафосат, баҳор байрами — Сизга аталган кун муборак бўлсин!

**Моҳира ШАКАРОВА,**
**журналист**



# САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

**Халқимиз эришаётган ютуқларини ҳақли равишда мустақиллик билан боғлашга ҳаракат қилади. Бу бежизга эмас. Биргина хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида эришилган натижаларни олайлик. Конституциямизда барча фуқаролар, жумладан, хотин-қизларнинг ҳам меҳнат қилиш, ўз соғлиғини муҳофаза қилиш, кексайганда, касал бўлганда, меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотганда моддий таъминотга эга бўлиши каби ҳуқуқлари кафолатланган. Тўғри, собиқ тузум давридаги Конституцияда ҳам хотин-қизлар ва эркаклар «тенг ҳуқуқлилиги» белгилаб қўйилган эди. Аммо бу ғоя аёлларни меҳнат бригадаларига, оғир жисмоний меҳнатга ташвиқот қилишгагина хизмат қилганини кўпчилигимиз яхши биламиз.**

Истиқлол йилларида хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазасига жиддий эътибор қаратилди. Зеро, аёллар манфаатини кўзлаб қилинган ҳар бир эзгу иш замирида жамият ва миллат манфаати туради. Буни биргина Жиззах вилоятида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Жисмонан ва маънан соғлом оналаргина жамиятга баркамол фарзанд тарбиялаб бера олади. Шу маънода, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш масаласига кучли эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йили вилоятимиздаги туғиш ёшидаги хотин-қизларнинг қарийб барчаси, энг чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ҳам кўчма тиббий ижтимоий бригадалар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик натижасига кўра касаллик аломатлари аниқланган хотин-қизлар соғломлаштирилди.

Ўсиб келаётган қизларимиз миллатнинг эртанги оналаридир. Уларнинг саломатлигини таъминлаш кечиктириб бўлмас вазифалар сирасига киради. Шу боис, вилоятдаги 52 та коллеж ва академик лицейларда, барча умумтаълим мактабларида профессионал маслаҳатлар берувчи ходимлар қабулхоналари ташкил этилган. Шунингдек, юқори синф ўқувчилари учун «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» курслари бўйича дарслар ўтиб келинмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳаёт синовлари олдида тушкунликка тушиб қолишларининг олдини олишга кўмаклашувчи «Қалб нури» маркази фаолият юритиб келмоқда.

Сир эмас, кўпгина муаммолар илдизи ишсизлик масаласига бориб тақалади. Вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутувчи ҳудудий дастурга мувофиқ 2008 йилда хотин-қизлар учун 14 минг 561 та янги иш ўринлари яратилди. Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 1693 нафар хотин-қиз ишга жойлашиб, бугун ҳам жамиятга, ҳам ўз оиласига наф келтиришмоқда.

Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси, касаначиликни ривожлантириш орқали нолегал меҳнат бозорига чиққан хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилишига эришилмоқда.

Вилоятимиз хотин-қизлари ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 4885,6 млн. сўмни ташкил этган. Биргина Микрокредит банк томонидан ўтган йилда 338 нафар хотин-қизларга 712 млн. сўм имтиёзли кредит берилиб, 933 та янги иш ўринлари яратилган.

Юртимиз аёлларининг жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутиб келаётгани шубҳасиз. Уларнинг фаоллигини янада ошириш учун вилоятда бир қатор ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. «Давримиз дилбарлари» деб номланган ана шундай тадбирлардан бири баҳорнинг биринчи кунида бўлиб ўтди. Байрам тадбирида халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилган фахрий онахонлар, замонамизнинг фаол аёллари ва истеъдодли қизлар — уч авлод вакилалари учрашдилар.

Маълумки, аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш муҳим вазифалардандир. Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик.

Сўзимиз аввалида айтганимиз — бугунги шукуҳли кунларимиз мустақиллик шарофатидандир.

Байрамингиз муборак, азиз онахонлар, опа-сингиллар, дилкаш ҳамкасабалар!

**Гулнора ҲАМРОЕВА,**
**Жиззах вилоят пркуратураси бўлим бошлиғи**

# ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН АЁЛ АДАШМАЙДИ

Соғлом жамият аёллар тақдирига ҳеч қачон бефарқ қараб тураолмайди. Бугун янгиланиш ва юксалиш йўлидан бораётган мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Амалдаги қонун ҳужжатлари асосида аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳаларида иштирокини таъминлаш борасида улкан вазифалар амалга оширилмоқда.

Аёлнинг жамиятда муносиб ўрин тутиши шубҳасиз унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан боғлиқ. Шу боис, ҳуқуқий тарғибот жараёнида хотин-қизлар масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Ҳуқуқий онги етарлича шаклланган, яъни ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурчларини яхши англаб олган хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини топа олиши шубҳасиз. Ҳуқуқий жиҳатдан етук хотин-қизлар жамиятнинг ҳақиқий маънодаги тиргагига айланади. Улар нафақат ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, балки зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳам теран англаб етадилар. Ҳар ишда қонунларга таяниб, мақсад чўққиларини забт эта оладилар. Энг муҳими, улар ҳаётда адашмасдан, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар кўчасига кирмасдан ўзларининг аёллик номларига муносиб йўл тутадилар.

Тажрибадан маълум, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар кўчасига кириб қолган хотин-қизларнинг аксарияти ҳуқуқий жиҳатдан савиясиз, ўз қилмишларининг оқибатини тушуниб етмаганлардир. Ачинарлиси, бу ҳол кўпинча ашаддий жиноятчилар учун жуда қўл келади. Мисол учун, адашганлар, одам савдосининг қурбонлари бўлиб қолаётган хотин-қизлар агар ҳуқуқий мафкурага эга бўлганларида эди, ҳеч қачон миллат аёллари номига доғ бўлиб тушаётган кўчаларга кириб қолишмаган бўлишар эди.

Тилагимиз, юртимиз аёлларини Шарқ аёлига хос андиша, латофат ва комилалик, замонавий аёлларга хос фаоллик ва тадбиркорлик хусусиятлари тарк этмасин.

Имкониятдан фойдаланиб, юртимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайман. Эл-юрт бахтига ҳамиша соғ ва саломат бўлинг.

**Лола ШОМУРАТОВА,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

# Нафси ҳакалак отганлар

Уларнинг аксарияти дастлабки тергов ва суд жараёнида айбларини инкор қилишди. Бироқ гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар орқали жиноий қилмишлари ўз тасдиғини топди. Жиноий гуруҳ аъзоларига — ахлоқ борасида барчага намуна бўлиши лозим бўлган халқ таълими бошқармасининг собиқ раҳбар ва ходимларига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, муайян муддатга масъул лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилишди.

Ҳалол ишлашни, ростгўйликни, болаларга мукаммал билим беришни талаб қиладиган мўътабар муассаса раҳбар ва ходимларининг ўзлари қинғир ишларга қўл уришса, алдов ва кўзбўямачилик билан ўқув қуроллари, анжомларини, давлат маблағларини талон-торож қилишса, қўл остидаги мактабларнинг ўқитувчилари, ўқувчилари кимдан, қандай ибрат олишади?

МХХ ходимлари Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси мансабдор шахсларининг жиноий қилмишларини фош этишди. Ушбу муассасада вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ходимларини жалб этиб ўтказилган тафтишда жуда кўп миқдордаги бюджет маблағлари турли йўсинда ўзлаштирилиб, талон-торож қилингани аниқланди.

Халқ таълими бошқармаси бош ҳисобчиси М.Юсупова, бош ҳисобчининг ўринбосари З.Бойматов, бошқарма таълим жараёнини таъминлаш бўлими бошлиғи Р.Холиқназаров, бўлим муҳандиси И.Саидов, бошқарма методика марказининг аниқ фанлар бўйича методисти И.Абдуллаев, «Ўқув таълим-таъминот» корхонасининг Фарғона вилояти филиали бошлиғи Н.Аҳмедов, унинг бош ҳисобчиси Е.Плужникова, мебель бўлими бошлиғи А.Маҳрамов, омбор мудирлари С.Ҳасанов, О.Ашуров, таъминотчилари Ш.Жиянбоев, О.Собиров, Н.Мираҳмедов, И.Юлдашев, А.Султонов, «Жаҳон Нур Келажак» хусусий корхонасининг раҳбари И.Аҳмедов, бош ҳисобчиси А.Тўхтасинова, «Файзли Бағдод» МЧЖ раиси ўринбосари О.Исломов, бош ҳисобчиси Х.Мадраҳимов, омбор мудири А.Ҳатамов, иш юритувчи Э.Эрматов, «Абу Сервис» хусусий фирмасининг таъминотчиси Д.Давлатов ва уюшган жиноий гуруҳ таркибида «иш кўрган» бошқа шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини вилоят прокуратураси тергов қила бошлади.

* * *

Халқ таълимини ривожлантиришга оид давлат дастурига асосан вилоятдаги мактабларни мебел, ўқув жиҳозлари, чунончи компьютерлар билан тўкис жиҳозлаш учун бюджетдан зарур миқдорда маблағлар ажратиб берилди. Шу аснода халқ таълими бошқармасининг айрим раҳбарлари хаёлида ажратилаётган маблағлардан «фойдаланиб қолиш ғояси» туғилди. Бошқарма методика марказининг аниқ фанлар бўйича методисти И.Абдуллаевга аниқ «режа» ишлаб чиқиш вазифасини топширишди.

Унинг тавсияси билан Қува туманида дабдабали «Жаҳон Нур Келажак» номи билан хусусий фирмани ташкил этишиб, ҳокимликда рўйхатдан ўтказишди. Фирмага И.Абдуллаевнинг қариндоши И.Аҳмедов раҳбар этиб тайинланди. Расман фирма аҳоли ва юридик шахсларга компьютер хизмати кўрсатиш, канцелярия моллари савдоси билан шуғулланарди. Ҳукумат қарорига асосан халқ таълими тизимидаги ўқув даргоҳларини компьютерлар билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш учун бюджетдан маблағ ажратилган эди. Хўжакўрсинга ўтказилган тендерда «ғолиб» топилган «Жаҳон Нур Келажак» фирмаси билан вилоят халқ таълими бошқармаси ўртасида салкам 58,9 млн. сўмлик ҳажмда компьютерларга сервис хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланди. ХТБ методисти И.Абдуллаев ва З.Бойматов фирма раҳбарига имзоланган шартномани келтириб беришди.

Бироқ...

— Менда бор-йўғи уч нафар ходим ишлайди, — дея фирма раҳбари И.Аҳмедов бошини қашлади. — Компьютерни тушунадиган мутахассисларни қаердан топаман?

— Буёғини менга қўйиб беравеpинг, — қариндоши, ХТБ вилоят бошқармасининг методисти И.Абдуллаев тағин жонига аро кирди. — Туманларнинг мактабларида компьютерни беш қўлдай биладиган информатика ўқитувчилари бор. Уларни ишга оласиз.

— Шунча йўл юриб, ишга қандай келиб-кетишади? Маошлари йўлкирагаям етмайди-ю?

— Соддасиз, — И.Абдуллаев илжайди. — Ҳар бири ён-атроф туманлардаги мактабларга бориб туришади. Сизга ойда маош олгани келишади. Жуда бўлмаса, маошларини ҳам ўзим туманларга олиб бориб тарқатаман. Мени компьютер хизмати бўлимининг бошлиғи қилиб ишга оласиз. Ҳамма ишни ўзим юргизвераман.



И.Абдуллаевнинг тавсиясига кўра И.Аҳмедов фирмасига О.Хомидов, И.Патирдинов, У.Фозилов, Б.Ирматов, Б.Набиев, Ў.Олимов, З.Ботирова, Д.Миркомиловларни мутахассис сифатида ишга қабул қилди. И.Абдуллаевнинг ўзига эса корхона компьютер хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи лавозимига тайинлангани тўғрисида буйруқ чиқарди. Унинг ҳамтовоғи З.Бойматовни компьютер бўлимининг ҳисобчиси вазифасига, А.Тўхтасиновани фирманинг бош ҳисобчиси лавозимига ишга қабул қилди.

— Мутахассисларни бирданига ишга қабул қилмаганман, — деди терговда И.Аҳмедов. — Айримлари ишдан бўшагач, ўрнига бошқасини олганман. Искандарбек Абдуллаев олиб келган паспортларининг нусхаларига қараб, турли-турли туман, қишлоқларда яшашларини билгандим. Лекин халқ таълими тизимида ишлашларидан бехабар эдим. Ойлик маошларни Искандарбек тарқатарди.

Хуллас, «Нур Жаҳон Келажак» фирмасининг пешонаси ярақлаб, ҳисоб-рақамига 2006 йилнинг июнь ойидан декабрь ойигача вилоят ХТБ дан 6 марта — 1 млн. 769 минг сўмдан тортиб 16 млн. 536 минг сўмгача, жами салкам 50 млн. сўм пул маблағлари келиб тушди.

Фирма ҳисобхонасида «расмийлаштирилган» далолатномаларга кўра, ўқув йили мобайнида гўё вилоят бўйича 90 та мактаблардаги 600 дан зиёд компьютерларга салкам 50 млн. сўмлик жиҳозлар ўрнатилиб, сервис хизматлари кўрсатилди. Тергов мобайнида ушбу далолатномаларнинг сохталаштирилгани, қилинган иш ҳажми салкам уч баробар ошириб ёзилгани аён бўлди. Аслида мактабларга ўрнатилган компьютерларга 16 млн. сўмлик сервис хизматлари кўрсатилган, салкам 34 млн. сўмликдан зиёд маблағларни эса ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан фирманинг ҳамда ХТБ вилоят бошқармасининг раҳбар ва ходимлари ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжларига сарфлашди.

* * *

Хамирдан қил суғургандай силлиққина кечган «компьютер иши» вилоят халқ таълими бошқармасидаги нафси наҳанг масъул мансабдорларни бундан-да йирикроқ «луқма»ларни ютиб юборишга «илҳомлантирди». Мактабларни компьютерлардан ташқари замонавий мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари билан жиҳозлашга оид ҳукумат қарори билан тасдиқланган дастур асосида ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириш ва талон-торож қилишнинг яна битта «режаси»ни ишлаб чиқишди. Вилоят ХТБнинг таълим жараёнини таъминлаш бўлимининг бошлиғи Р.Холиқназаров, бўлим муҳандиси И.Саидов, «Ўқув таълим-таъминот» корхонасининг Фарғона вилоят филиали бошлиғи Н.Аҳмедов, бош ҳисобчи Е.Плужникова, мебель бўлимининг бошлиғи А.Маҳрамов, омбор мудирлари С.Ҳасанов, О.Ашуров ва бошқалар жиноий режани «ижро» этишга киришишди. Вилоят Халқ таълими бошқармаси, «Ўқув таълим-таъминот» корхонасининг Фарғона филиали, Бағдод туманидаги «Файзли Бағдод» МЧЖ ва Тошкент шаҳридаги «Абу Сервис» хусусий фирмаси ўртасида тўрт томонлама шартнома имзоланди. 2007 йилнинг июнь ойидан октябрь ойигача босқичма-босқич «Абу сервис» фирмаси ҳисоб рақамига 578,7 млн. сўмдан зиёд, «Бағдод Файз» МЧЖга 1 млрд. 280 млн. сўм пул маблағларини ўтказиб беришди. Вилоят ХТБ мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ушбу фирма таъминотчиси Д.Давлатов, МЧЖ раисининг ўринбосари О.Исламов, бош ҳисобчиси Х.Мадраҳимов, омбор мудири А.Ҳатамов, иш юритувчиси Э.Эрматовлар билан «гапни бир жойга қўйиб», фойдани ўртада арра қилишга келишиб олиб, тўлиқ етказиб берилмаган ўқув жиҳозлари ва спорт анжомлари бекаму кўст топширилгани ва қабул қилингани тўғрисида сохта далолатномаларни расмийлаштиришди. Ана шу «усул»да 244 млн. сўмдан зиёд бюджет маблағларини ўзлаштириб, ўзаро «баҳам кўришди». Жиноий қилмишларининг изларини ёпиш мақсадида аслида йўқ мебель ва спорт анжомларини ҳам вилоятдаги 90 га яқин мактабларга элтиб бериб, ўрнатишгани тўғрисидаги сохта далолатномаларни тузиб қўйишди. МХХ бошқармаси ва назорат-тафтиш бошқармаси ўтказган текшириш мобайнида мебель ва ўқув жиҳозлари келтирилиб ўрнатилди, давлатга етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланди.

Халқ таълими бошқармасида «фаолият» юритган жиноий гуруҳ аъзолари «Ойдина О», «Камол Бахт», «Азия Трейд», «Мартикс Принт», «Катрис», «Престиж», «Орнент мебель» ва бошқа хусусий фирма ҳамда корхоналар билан тузилган ўзаро шартнома асосида олиниб, мактабларга тарқатилиши лозим бўлган 7,3 млн. сўмликдан зиёд компьютер жиҳозлари, стол-стул, спорт анжомлари ва бошқа ўқув қуролларини талон-торож қилишиб, уларни гўё мактабларга етказиб беришгани тўғрисида сохта ҳужжатларни тузишди.

Юқоридаги жиноий қилмишларидан ташқари, вилоят ХТБ мансабдорлари етказиб берилмаган жиҳозлар учун аввалдан тўланган маблағларни қайтариш чораларини кўришмади. Чунончи, Андижон вилоятидаги «Евро Экфин» хусусий фирмаси билан 83 млн. сўмлик жиҳозларни етказиб бериш тўғрисида шартномани имзолаб олдиндан фирма ҳисоб-рақамига 25,1 млн. сўм маблағни ўтказиб беришганди. Фирма икки ой мобайнида жиҳозларни етказиб бериш борасидаги мажбуриятини бажармасада, вилоят ХТБ мансабдорлари ушбу маблағни қайтариб олиш учун тегишли чораларни кўрмай, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишди.

Эгаллаб турган лавозимларидан ғаразли, шахсий мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган мансабдор шахслар жиноий қилмишларини яширишга ҳарчанд уринишмасин, жавобгарликка тортилишларининг муқаррарлиги ушбу жиноят иши мисолида яққол намоён бўлди.

**Ойбек ҲОШИМОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратурасининг катта терговчиси**

# Оғуфуруш инспектор

**Инсоннинг умри қисқа, зув этиб ўтади, кетади. Ундан фақат яхши аъмоллари, элу юрт корига не чоғли яраганлиги ҳақидаги хотиралар қолади, холос. Буни тўғри англаган инсон ҳаёти ва фаолиятини эзгу ишларга бахшида этиб, одамларга яхшиликлар қилишга интилади, ҳалол яшайди ва турфа хил ғайриинсоний одатлардан узоқ туради. Лекин афсуски, беш панжа баравар эмас деганларидек, орамизда шундай кимсалар ҳам учрайдики, уларнинг қилмишларини кўриб ажабланасан киши.**

Мана бир мисол. Жумаев Наимжон Сурхондарё вилоят божхона бошқармасининг «Ғалаба» божхона постида инспектор лавозимида ишлар эди. Нима бўлдию, у тўғри йўлдан адашди. Эндиликда у суднинг қора курсисида қилган жинояти учун жавоб беришга мажбур бўлмоқда. Хўш, 27 ёшни қаршилаган навқирон бу йигит қайси қилмиши учун жавобгарликка тортилди? Таассуфки, у оғир жиноятга қўл урган, яъни балойи нафснинг қутқуси билан иллатларнинг энг ёмони — гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган.

Энди жиноят очилиши ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтайлик. 2008 йилнинг 17 сентябрь куни. Термиз тумани ҳудудида шамолдек елиб келаётган 19 M 2727 давлат белгили «Тико» автомашинаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Автоуловни гиёҳвандлик моддаларини кўп миқдорда контрабанда қилишда гумонланган Н.Жумаев бошқариб келаётган эди. Автоулов холислар иштирокида кўздан кечирилганда ҳайдовчи ўриндиғи тагидан бир целлофан ўрамча топилди. Суд-кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, бу «юк» 715,2 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси экан. Шундан сўнг, қонун ҳимоячилари гумонланувчининг уйи ва ҳовлисини кўздан кечиришди. Буни қарангки, томорқа четидан ҳам кўмиб қўйилган 4 та оқ рангли полиэтилен қоплар чиқди. Экспертиза берган хулосага қараганда, қоплардаги «товар» оз эмас, кўп эмас 139 килограммга яқин «опий» гиёҳвандлик воситаси бўлиб чиқди.

Шукрки, қонун ҳимоячилари бўлган ходимлар доимо ҳушёр, ҳар қандай кўринишдаги жиноятларнинг пайини қирқишга қодирдир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қанчалаб оилаларнинг бузилиб кетишига, кўплаб болакайларнинг тирик етим бўлиб қолишларига сабаб бўлувчи «оғу» ушлаб қолинди, оғир фалокатнинг олди олинди.

...Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди ушбу жиноят ишини батафсил ўрганиб чиқди. Суд ҳукми билан гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ жиноий қилмишлари учун Н.Жумаев 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Доно халқимизнинг ибратомуз нақл ва мақоллари бор. Шулардан бири – қилмиш қидирмиш. Начора, Н.Жумаев ҳам қилмишлари учун қонуний жазони олди.

Ҳурматли газетхон! Ушбу мақолани ўқиб, қонун барчага баробарлигига, жиноятга эса жазо муқаррарлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдингиз. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган Н.Жумаевнинг ўзи бир пайтлар божхона постида қонунбузарликларга қарши курашиб келган ходим сифатида фаолият юритиб келган эди. Бу шахс нафснинг домига тушиб, ишидан, обрўсидан айрилди. Қонун талабларини сўзсиз бажариш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини унутди. Н.Жумаевнинг бу «фаолияти» софдил инсонлар нафратини оширди.

**Асқарали ЖЎРАЕВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

## Бош вазир жавобгарликка тортилмоқда




Тюрингия немис ери бош вазири Дитер Альтхаус эҳтиётсизлик оқибатида қотиллик жиноятини содир этишда айбланмоқда. Немис давлат арбобининг иши кўрилаётган Австриянинг Леобен шаҳри прокурорининг гапига кўра, айбланувчи одам ўлимига сабабчи бўлганлиги тўғрисида ёзма кўрсатма берган.

Альтхаусни айбланувчи сифатида жалб этилишига сабаб бўлган ҳодиса 2009 йил 1 январь куни Австрияда рўй берган. Маълумотларга қараганда, Тюрингия бош вазири чанғида учаётганда тоғ чўққисида 41 ёшли аёл билан тўқнашиб кетган. Натижада словакиялик сайёҳ аёл бош қисмига етказилган жиддий жароҳатлардан шифохонада вафот этган.

«DW-WORLD» ахборот агентлигининг хабар беришича, агарда Альтхаус айбдор деб топилса, 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Леобен прокурорининг таъкидлашича, немис амалдори аёл ўлими учун жавобгарликни ўз бўйнига олишига қарамай, юз берган ҳодиса тафсилотларини умуман эслай олмайди. Шунингдек, тўқнашув натижасида Альтхауснинг ўзи ҳам бошидан жароҳатланган ва ҳанузгача соғлиғини тўлиқ тиклай олмаган.

## Важлар етарли бўлмади

Москванинг Таганский суди тергов органларининг фирибгарликда гумон қилинаётган адвокат Петр Сурскийни ҳибсга олиш тўғрисида илтимосномасини рад этди. «Риа новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, тергов органи ўз илтимосномасини асослаб бера олмаган. Хусусан, рад этиш баённомасида кўрсатилишича, «тергов органлари қамоқ эҳтиёт чорасини қўллашга қонунда белгиланган етарли ва асосли важлар келтирмаган».

Аввал хабар қилингандек, «Сурский ва ҳамкорлар» адвокатлик бюросининг катта ҳамкори фирибгарликда гумон қилинаяпти. Маълумотларда айтилишича, Сурский устидан жиноят иши қўзғатилган тижорат фирмаси вакилларидан ишида хайрихоҳлик қилиш ҳамда айрим мансабдор шахслар билан «келиштириш» эвазига 30 минг АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилган.

Россия Федерацияси прокуратураси ҳузуридаги тергов қўмитаси матбуот хизматининг маълум қилишича, Сурский айни шу маблағларни олаётганида қўлга тушган. Адвокатга нисбатан жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этиш моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

## Крикетчилар ўққа тутилди



Покистон полицияси 3 март куни Лахорда Шри-Ланка давлатининг крикет бўйича терма жамоасига нисбатан уюштирилган ҳужумга алоқадорликда гумон қилинган беш нафар кишини ушлади. Терговчиларнинг фикрича, ушланганлар орқали жиноятчилар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Бошқа ҳеч қандай тафсилотлар берилмаяпти.

Эслатиб ўтамиз, крикет бўйича терма жамоа автобусда бўлганида террорчилар уларга ҳужум қилишганди. Юзага келган отишма натижасида 6 нафар полициячи ва икки киши қурбон бўлган. Шри-ланкалик 8 та спортчи ва британиялик ҳакам жароҳатланган. Спортчилар Покистон терма жамоаси билан крикет ўйнаш мақсадида «Каддафи» номидаги стадионга йўл олишганди. Террористик ҳаракатдан сўнг улар мусобақаларда иштирок этмасликларини билдиришди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

## КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛИҚ ТЎЛАНАДИ




Туркиянинг «Turkish Airlines» авиакомпанияси 2009 йил 25 февралда Амстердам халқаро аэропортида ҳалокатга учраган ўз авиакомпаниясига қарашли самолёт бортида бўлган йўловчиларнинг барчасига компенсация тўланишини маълум қилди. Компания вакилининг айтишича, ҳалок бўлган тўққиз нафар йўловчининг оила аъзоларига 50 минг евро миқдорида, жароҳатланган 80 кишига 5 мингдан 10 минг еврогача, қолганларга 5 минг евродан пул тўланади.

Шунингдек, авиакомпания жароҳатланганларнинг шифохонадаги сарф-харажатларини ҳам тўлиқ қоплайди. Айрим тахминларга кўра, ҳалокат самолёт двигателида носозликлар туфайли юзага келган. Ҳалокат сабабларини текшириш комиссиясининг расмий баёноти бир ҳафтадан сўнг, қора қутиларнинг маълумотлари тўлиқ ўрганилгандан сўнг эълон қилинади, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

## ЖОСУСЛАР КИМГА «ИШЛАГАН»?




Руминия пойтахти Бухарест шаҳрида бошқа давлат махсус хизматлари билан ҳамкорлик қилганликда гумон қилинган икки шахс ҳибсга олинди, деб хабар қилади «Novinite» ахборот агентлиги. Улардан бири Болгария фуқароси Петр Зикулов, иккинчиси эса Руминия ҳарбий зобити Флоричел Акимдир. Биринчиси жосусликда, иккинчиси давлат хоинлигида айбланмоқда.

Маълумотларда айтилишича, Аким Руминия ҳарбий сирларини сотганлигини ва муҳимлигига қараб пул олганлигини тан олган. Руминия разведкасининг қайд этишича, зобит 2005 йилдан бери кузатувда бўлган. Терговчиларнинг тахминича, Аким муҳим ҳужжатларни қўлга киритиб болгарга топширган, ўз навбатида Петр Зикулов мураккаб схема орқали НАТОга кирмайдиган давлатга ушбу ахборотни етказиб турган.

Зикулов жосусликка ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, фақатгина ҳарбий маълумотлар билан қизиққан украиналик амалдор билан танишлигини билдирган. Болгария ташқи ишлар вазирлиги расмий баёнот билан чиқиб, Бухарестда консалтинг фирмаси бўлган Зикулов ўз ташаббуси билан фаолият юритганини ва Болгария давлати ҳукумати билан алоқадор эмаслигини қайд этди.

Шу билан бирга Руминия разведка хизмати ўз баёнотида Аким томонидан сотилган ҳужжатлар айнан қайси давлат учун мўлжаллангaнлигини аниқ кўрсатмаган.

## Спикер президент бўлди



«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Гвинея-Бисау парламенти спикери Раймунду Перейра президентлик қасамёдини қабул қилди. Маълумки, 1 март куни Гвинея-Бисау Президенти Жуан Бернарду Виейра исёнчи аскарлар томонидан ўлдирилганди. Ушбу воқеадан кейин парламент спикери давлат бошқарувини ўз қўлига олишга мажбур бўлган.

Парламентарийлар фикрича, вақтинчалик президентнинг тайинланиши мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг янада беқарорлашувининг олдини олиш мақсадида амалга оширилган. Гвинея-Бисау Конституциясига мувофиқ, Президент ўлимидан сўнг давлатнинг янги раҳбари сайловлари яқин 60 кун ичида бўлиб ўтиши лозим.

Эслатиш жоизки, Президент Виейра ўлдирилишидан бир неча соат олдин мамлакат генштаби биносининг олдида террористик ҳаракат натижасида штаб бошлиғи генерал Тагме На Вайе ҳалок бўлганди. Генерал Вайе Президент Виейранинг сиёсий рақиби эди. Виейра эса ўз қароргоҳидан чиқаётганида ҳарбийлар томонидан отиб ташланган.

Айрим маълумотларга кўра, Президентнинг ўлдирилиши аскарларнинг генерал Тагме На Вайе ўлими учун қасос бўлган. Сўнгги ойларда генерал ҳамда 23 йил давомида ҳукумат тепасида бўлган Президент ўртасидаги муносабатлар бир мунча кескинлашганди. 2008 йилнинг охирида Тагме На Вайе президент тарафдорлари уни ўлдиришга уринганини таъкидлаганди. Бир неча кун ўтгач эса Виейра қароргоҳи ҳарбийлар томонидан ўққа тутилган.

## Инсон ҳуқуқлари поймол қилинганми?



АҚШ маъмурияти Жорж Буш президентлиги даврида Оқ уй томонидан Адлия вазирлигига юборилган махфий меморандумларни чоп этди. 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террористик хуружлардан сўнг тайёрланган мазкур ҳужжатлар халқаро терроризм билан курашиш мақсадида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралашни қонунийлаштиради.

Мазкур материалларнинг ошкор этилиши Барак Обама бошчилигидаги янги маъмуриятнинг аксилтеррор сиёсатини қайта кўриб чиқиши замирида амалга оширилди. АҚШ Бош прокурори Эрик Холдернинг таъкидлашича, «сўнгги ўн йилликда терроризм билан курашга жуда катта аҳамият қаратилди. Бу тўғри албатта. Бироқ, бу жараёнда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ортда қолиб кетиши мақсадга мувофиқ эмас».

Чоп этилган тўққизта меморандумда кўрсатилишича, ижро ҳокимияти «терроризмга қарши кураш» шароитида суднинг санкциясисиз тинтув ўтказишга ва телефон сўзлашувларини эшитишга қўшимча ваколатларни олиши лозим эди.

Ҳужжатларда Президент Конгрес назоратидан ташқари бўлган кучга эгалик қилганлиги акс эттирилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан судга тақдим этилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, марказий разведка бошқармаси тахмин қилинган террорчиларнинг сўроқ жараёни тасвирга олинган юздан ортиқ видео тасмаларни йўқ қилиб юборган. Йўқ қилинган материаллар сони аввал назарда тутилганидан кўпроқ чиқаяпти. Қонуншунос демократлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг фикрича, улардаги маълумотлар марказий разведка бошқармаси томонидан қийноқлар ишлатилганини тасдиқлаши мумкин эди.

## Янги айбнома киритилди



Собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал боснիялик сербларнинг собиқ етакчиси Радован Каражичга янгидан айблов эълон қилди, деб хабар қилади «International Herald Tribune». Янги айблов хулосаси аввалгисига ўхшаб 11 банддан иборат, лекин янгисида уларнинг иккитаси геноцидга тегишли (эски айблов хулосасида бундай моддали банд битта бўлган).

Айблов геноцид бўйича 1992 йилда Босния ва Герцеговинадаги ҳамда 1995 йилда Сребреницадаги ҳолатлар юзасидан алоҳида ажратилган. Айбловнинг қолган бандлари инсониятга қарши жиноятлар, қотилликлар, гаровга олиш ва бошқа жиноятларга тегишлидир.

Бундан ташқари, жараённи тезлаштириш мақсадида, Каражичга аввалги айблов хулосасига нисбатан, Босния ва Герцеговинанинг камроқ ҳудудларида жиноятлар содир этганлик айби қўйилмоқда. Янги таҳрирдаги айбнома 2009 йилнинг февраль ойи ўрталарида тайёр бўлганди ва 20 февралда баён этилиши лозим эди. Лекин трибунал ҳужжатда йўл қўйилган хато сабабли бу ишни амалга оширолмаган.

Янги айблар қўйилгач, Каражич трибунал уни судлашга ҳаққи йўқлигини таъкидлади. Бу сўзлар суд баённомасига 11 бандда кўрсатилган жиноятларда ўзини айбдор сифатида тан олмаслик тарзида киритилди. 1996 йилдан бери одил суддан яшириниб юрган Сербия республикасининг собиқ Президенти 2008 йилнинг июль ойида ушланган ва Гаагага экстрадиция қилинган эди.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура жамоаси молия-иқтисод бўлими бошлиғи Галина Тхайга акаси

**Виссарион ПАК**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳаким Джураевга падари бузруквори

**АДИЛ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси Дилшод Темиралиевга волидаи муҳтарамаси

**БАҲРИНИСА ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи Ҳамида Мадаминовага турмуш ўртоғи

**Тўравой МИРЗАҲМЕДОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## Ижтимоий ва хайрли мақсад

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси аниқ йўналтирилган тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 3 март куни Муқимий номли мусиқа театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси, БМТнинг тараққиёт Дастури (UNDP) ва UNFPA, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича Жамғармаси томонидан тайёрланган «Бахтли бўлиш учун яралган аёл» ахборот кампанияси тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тақдимотда Хотин-қизлар Қўмитаси ва БМТ Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида кенг омма учун тайёрланган ижтимоий видео ҳамда радиороликлар намойиш этилди.

ОАВ ходимлари, шунингдек, БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу тақдимотда ташкилотчилар аёлларнинг жамиятдаги сиёсий фаоллигини оширишга, умуман Ўзбекистондаги замонавий аёл ва XXI аср оиласининг тимсолини яратишга ҳаракат қилдилар.

«Жамиятда аёл иштирокининг кучайтирилиши — тараққиёт ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг камайишига асосдир. Жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаётган аёллар оила ва умуман миллат саломатлиги ҳамда авлодлар келажагининг порлоқ бўлишига катта ҳисса қўшаётирлар. Гендер тенглигининг яна бир муҳим жиҳати — унинг Минг Йиллик Ривожланиш Мақсадларининг асосий қисми эканлигидадир», дея эътироф этди ушбу тадбирда иштирок этган БМТ Тараққиёт Дастурининг доимий вакили ўринбосари Киоко Постилл.

Шу билан бирга, у мазкур медиа-кампания лойиҳаларининг кенг ёритилишида ва гендер масаласи юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВ билан ҳамкорликни давом эттиришга, ижтимоий ва хайрли мақсадларининг ОАВ томонидан қўллаб-қувватланишига ишонишини билдирди.

**Дилрабо АНВАРОВА,**
**Тошкент Давлат Маданият институти магистранти**

***Кўп йиллардан буён дунёдаги энг бадавлат ва машҳур шахсларнинг рўйхатини эълон қилишни анъанага айлантирган Forbes журнали энг обрў-эътиборли 100 нафар аёлнинг навбатдаги рўйхатини ҳам кенг оммага намойиш этди. Ушбу рўйхатнинг аввалгиларига ўхшаш тарафи шундаки, унинг юқори поғоналаридан ўрин олган аёллар ҳалигача ўз жойларини сақлаб келмоқда. Бироқ, рўйхатда кўплаб янги исмларни ҳам учратиш мумкин.***

***Бугунги кунда дунёда аёлларнинг корпоратив ҳокимиятнинг юқори лавозимларига кўтарилишларида жиддий тўсиқларга дуч келишлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар ўтказилиб, мақолалар эълон қилинган. Шунга қарамасдан Forbes ижодкорларига айни шундай лавозимларга тайинланган 66 нафар аёлни топишларида қийинчилик туғилмади. Қолган 34 нафар аёл эса асосан ҳукуматнинг юқори лавозимли аъзолари ҳисобланишади.***

***Ушбу рўйхатга киритилаётган аёлларни танлашда асосан икки жиҳатга эътибор қаратилган. Биринчиси, машҳурлик (оммавий ахборот воситаларида қаратилаётган эътиборга қараб) бўлса, иккинчиси иқтисодий кўрсаткич. Қуйида эътиборингизга мазкур рўйхатнинг юқори ўринларидан жой олган аёлларнинг айримлари билан таништириб ўтамиз.***

# Аёл – ҳар соҳада фаол



Канцлер **Ангела Меркелнинг** сўнгги йилларда ушбу рўйхатда биринчи ўринни эгаллаб туришига асосий сабаб Германияда уни аҳолининг 75 фоизи қўллаб турибди. Сўнгги йилларда ушбу мамлакатда солиқлар сезиларли даражада ошган бўлишига қарамасдан канцлер ҳурматини йўқотгани йўқ. Меркелнинг Европа Иттифоқидаги давлатлар раҳбарларини ЕИ Конституциясига ўзгартиш киритишга рози қила олганлиги ҳам унинг обрўйига ижобий таъсир кўрсатди. Ижобий натижаларнинг сабабини Меркел шундай изоҳлайди: «Мен тезкор қарор қабул қилмайман, барча масалаларни синчковлик билан ўйлаб чиққаним учун ҳам сиёсий қопқонларга дуч келмайман».



Хитойлик **У И** (Wu Yi) яқинда иқтисодий кўрсаткичлари билан дунёдаги учинчи мамлакат бўлиши кутилаётган давлат ҳукуматида иккинчи муҳим шахс ҳисобланади. У И АҚШ билан Хитой ўртасида олиб борилган стратегик иқтисодий музокараларда америка молия вазири Генри Полсонга қарши тура олди. Генри юанни девальвация қилиниши ва АҚШ билан савдо-сотиқда Хитойнинг ижобий сальдосини камайтирилишини талаб қилаётган эди. Бундан ташқари У И мамлакатда ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий инфратузилмани яхшилаш, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши, сув ва ҳавонинг ифлосланиши ҳамда меҳнат ҳақининг ўта пастлиги каби муаммолар билан курашишда қатъий турибди.



**Хо Чинг** доимо ОАВ эътиборида десак, хато бўлмайди. У Сингапур бош вазирининг рафиқаси бўлса-да, давлат сармоя компаниясининг раҳбари ҳисобланади. Унинг сўнгги йилларда амалга оширган битимларига асосан Temasek компанияси қўшни мамлакатларнинг телекоммуникация ва банк секторларига киритган сармоялари натижасида компаниянинг активлари 27 фоизга ошиб, 80 миллиард доллардан 108 миллиард долларга ўсишига эришган.



Асли ҳиндистонлик **Индра Нуи** эса йиллик даромади 35 млрд. долларни ташкил этувчи дунёдаги йирик компаниялардан бири «PepsiCo»даги раҳбарлик лавозимини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Унинг ташаббуси билан компания газланган ичимликлар ишлаб чиқаришдан ташқари, 1997 йилдан бошлаб ошхоналар тизимини йўлга солди ва 1998 йилда шарбат ишлаб чиқарувчи «Tropicana» компаниясини сотиб олди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Нуи жанубий Ҳиндистонда туғилиб, 1978 йилда Америкага кўчиб келганди.



**Соня Ганди** Ҳиндистондаги энг нуфузли сиёсий партия бўлмиш Ҳиндистон миллий конгрессининг раиси ҳисобланади. У Италияда таваллуд топиб, 1990 йилдан сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлаган. Соняни Ҳиндистонда аҳолининг асосан камбағал қатлами ҳурмат қилади. Мамлакатнинг жадал ошиб бораётган иқтисодий кўрсаткичлари кам таъминланган қатламга фойда келтирмаётгани ва фермерлар учун деярли ҳеч қандай фойда бермаётгани ҳақидаги кўплаб чиқишлари Сонянинг аҳоли ўртасида обрўйини янада оширмоқда. Унинг қатъийлиги ва матонати сиёсий оппонентларининг аксил-коррупцияга қаратилган қонунларни деярли йўққа чиқаришга қаратилган ҳаракатларига ҳам бардош бера олди.



**Синтия Кэррол** дунёда тоғ кончилиги билан шуғулланувчи йирик «Anglo American» компаниясининг бош директоридир. Ушбу компания унчалик машҳур бўлмаса-да, дунё иқтисодиятида ва хом ашё ресурслари секторида муҳим ўрин эгаллайди. «Anglo American» платина, кўмир, олтин, саноат минериаллари ва брилиантлар билан шуғулланади. Унинг брилиант ишлаб чиқарувчи «DeBeers» компаниясида 45 фоиз, темир рудаси билан шуғулланувчи бразилиянинг «MMX Minas-Rio» компаниясида 49 фоиз ва олтин қазиб олувчи «AngloGold Ashanti» компаниясида 41,8 фоиз улуши бор.



**Патриша Уортц** этанол ишлаб чиқарувчи АҚШдаги энг катта «Archer Daniels Midland» компаниясининг директорлар кенгаши раиси лавозимида ишлайди. Айни шу сабабли ҳам Уортц энергиянинг муқобил манбаалари билан боғлиқ музокараларнинг доимо марказидадир. Маккажўхоридан этанол олиниши натижасида асосан истеъмол товари ҳисобланган жўхорининг нархи ошиб кетаяпти. Шунинг учун ҳам ушбу муаммонинг авж олмаслиги мақсадида Уортц унинг компанияси яқин икки йил ичида ўсимлик ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан целлюлоз этанолини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишини айтган.



**Ирен Роузенфельд** раҳбарлик қилаётган «Kraft Foods» компанияси дунёда истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи компаниялар орасида иккинчи ўринда туради. У учун ушбу лавозимни эгаллаган дастлабки йиллар анча қийин кечган. Сабаби, «Altria Group» компанияси таркибидан эндигина ажралиб чиққан «Kraft Foods»ни оёққа турғазиш осон кечмади. Раҳбарнинг режасига асосан компаниянинг ривожланиш стратегиясига мос келмайдиган қуйи тузилмаларини қисқартириш бошланди. Ушбу жараён катта муаммоларни келтириб чиқаришига қарамасдан тажрибали раҳбар аёл уларнинг ечимини топа олди ва компания нуфузини кескин оширишда ўз маҳоратини яна бир карра намойиш эта олди.



**Патриция Руссо** телекоммуникация соҳасидаги гигант компаниялардан бири «Alcatel-Lucent»га раҳбарлик қилади. Бундан аввал Руссо «Lucent» компаниясининг раҳбари эди. 2006 йилда 10,7 млрд. доллар маблағи билан «Alcatel» билан бирлашди ва ўта мураккаб ҳисобланган реконструкциялаш жараёнидан муваффақиятли ўтишга эришди. 2004 йилдан буён фойда қилмаётган компания бирлашиш натижасида фойда келтира бошлади. Аниқ мақсадларни белгилаш ва сарф-харажатларни камайтириш эвазига компания жуда катта соф фойда келтирибгина қолмай, телекоммуникацион ускуналар савдоси билан ҳам шуғуллана бошлади.

**ТЕМУРБЕК тайёрлади**

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin YALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —155. 29 366 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 23.30 1 345678